

БОЙКУШ ВА КАРГА БОБИ

Рожа брахманга деди:

— Садокатли дўстлар хакидаги ибратли хикояни эшитдим. Энди, агар мумкин бўлса, душман ўзини зохиран юмшок феъли, тавозекор, мархаматли ва лутф-карамли килиб кўрсатишига карамасдан, унинг найрангига учмаслик ва алданмаслик хакида бир хикоя айтиб берсанг.

Брахман деди:

— Аклли одам маккор душманнинг сўзига ишонмайди, онт ичиб берган ваъдаларига учмайди, душмандан канчалик кўп мархамат ва лутф-карам кўрса, шунчалик кўп эхтиёткор бўлади. Агар у хушёр бўлмаса ва фурсатни кўлдан бериб қўйса, кейинги пушаймоннинг фойдаси бўлмайди ва бойкушлар бошига тушган фалокат унинг хам бошига тушади.

Рожа сўради:

— У кандай бўлган эди? Хикоят

Дебдурларки, бир тогда жуда баланд ва сербуток дарахт бор эди. Бу дарахтда мингдан ортик каргалар ўзларига уя курган эдилар. Каргаларнинг бир подшоси бўлиб, унинг оти Фируз эди. Барча каргалар унга тобе бўлиб, унинг амридан чикмас ва шод-хуррам, фаровон кун кечирар эдилар.

Ўша тогнинг каршисида бошка бир тог бор эди. Унда жуда кўп бойкушлар яшарди.

Каргалар билан бойкушлар қадимдан бир-бирларига душман эдилар. Бойкушларнинг хам подшоси бор бўлиб, оти Шабоханг эди. Бир куни кечаси у ўз кўшинлари билан каргаларга хужум қилди. Бойкушлар жуда кўп каргаларни кириб, кўпларини ярадор қилишди, голиб бўлиб, масрурлик билан уяларига қайтишди. Эртасига каргаларнинг подшохи Фируз ўз лашкарларини йигиб, уларга деди:

— Бойкушларнинг бизга қарши қилган кечаги хужумини кўрдингиз. Орангизда ўлганлар хам, қуйруги, каноти юлинган, яраланганлар хам оз эмас. Лекин улар бу галабадан журъатланиб бизни тамомила тор-мор этмокка, уругимизни куритмокка уринадилар, деб кўркаман. Аминманки, улар тезда яна хужум бошлаб бошимизга кўп бало соладилар. Бу борада фикрлашиб бир тадбир кўрайлик ва бирга маслахатлашиб мудофаа йўлини топайлик.

Улар орасида заковатли, акли расо бешта карга бор эди. Каргалар хар ишни уларнинг маслахати билан бошлар, бирор ходиса рўй берса, уларга мурожаат этардилар. Подшо хам бу беш карганинг фикрларини инобатга олар ва давлат ишларида уларнинг маслахатларидан фойдаланар эди. Шох уларнинг биридан сўради:

— Сен бу ҳақда кандай фикрдасан? У жавоб берди:

— Менинг фикрим биздан аввал яшаган олимларнинг фикрлари қабидир. Улар айтибдурларки, қимки душманга қаршилиқ кўрсата олмаса, мол-давлати ва юрт-уяларини ташлаб кетмоги керак. Зероки, уруш жуда хатарли ишдир, айникса, мағлубиятдан сўнг у жуда хам тахликалидир... Мағрурланиб ўз кучига ортикча баҳо бериш аклли одамларга ярашмас. Ханжарнинг икки юзи бордир. Бу қари ва шафқатсиз фалакнинг кўзи кўр, у одамларни яхши танитайди. Унинг гардишига ишониб бўлмайди...

Подшо иккинчи вазирига юз ўгириб, деди:

— Сенинг фикринг кандай?

У жавоб берди:

— Мен у айтганидек ватанни ташлаб кочишни маслахат кўрмайман. Биринчи зарбадан сўнг шундай расвогарчиликка йўл кўйиб, она юртни тарк этмок бизга ярашмайди.

Менимча, энг тўгри йўл бутун кучларимизни сафарбар килиб, жиддий хозирлик кўрганимиздан кейин уруш бошлашдан иборатдир...

Маслахатим шуки, бир неча кузатувчиларни хар тарафга юбориб, кайси томондан хавф эхтимоли бўлса, шу ёкка лашкар тортсак. Е голиб келамиз, ё шараф билан фидойи бўламиз.

Подшо учинчисидан сўради:

— Сенинг фикринг кандай? Учинчиси жавоб берди:

— Мен икковининг хам фикрига кўшилмайман. Яхшиси, хуфиялар, даракчилар юбориб, душман вазиятини ўрганайлик, божу хирож олсалар-да, биз билан сулх тузишга розимилар, йўкми, шуни аниклайлик. Агар таклифимизни кабул килсалар, у вақт сулх тузиб, божу хирож тўлайлик-да, улардан халос бўлайлик. Шохлар учун энг тўгри тадбирлардан бири шудир: душманнинг устунлиги, кудрати кенглиги равшан бўлганда, улар мол-пул хисобига бўлса-да, фалокатнинг олдини олишлари, ахолини кирилишдан халос этишлари керак...

Подшо тўртинчисидан сўради:

— Сен нима дейсан? У жавоб берди:

— Мен ватанни тарк этмасликни, гурбат азобини чекмасликни, хамиша биздан паст бўлган душманга бўйин эгишдан юкори кўяман... Бунинг устига, агар биз маълум миқдорда бож-хирож тўлашни бўйнимизга олсак, улар бу билан кифояланмайдилар, яна кўпроқ талаб этадилар, кейин барибир бизларни кириб ташлашга харакат киладилар. Шунинг учун хам айтибдурлар: «Ўз мақсадингга эришмок учун маълум даражада душманга якинлаш-у, аммо уни ўзинг-га хавф тугдирадиган даражада якинлаштирма». Куёшга каратиб тик кўйилган таёкни бунга мисол тарикасида келтириш мумкин: уни жудаям эгсанг, сояси камаяди, озгина эгсанг, сояси катталашади. Хеч қачон улар биздан оладиган бож-хирож билан каноатланмайдилар. Шунинг учун, менинг фикримча, уруш килмок лозим... Гарчи олимлар урушдан кочишни маслахат кўрсалар хам, лекин бундай кочиш ўлимдан огир бўлса, уни хеч вақт маъқулламайдилар...

Подшо бешинчи каргадан, Коршинос исмли вазиридан сўради:

— Сен нима дейсан? Урушайликми, сулх тузайликми ёки ватанни тарк этайликми, кайси бири яхши?

Коршинос жавоб берди:

— Бойкушлар билан урушиб бўлмайди, чунки улар куч-қувватда биздан устундирлар. Аклли кимса душманни заиф хисоблаб, ўзини алдамайди, алданган халок бўлади. Биз бу ходиса юз беришдан олдин хам бойкушлардан кўркар эдик. Эхтиёткор одам хеч қачон душман каршисида хотиржамликка берилмайди. Душман якинда бўлса, тўсатдан хужум килиши, узокда бўлса, кайтиб келиб чанг солиши мумкин. Енгилса, йўлда пистирма кўйиши, ёлғиз

бўлса, хийла ишлатиши мумкин. Урушнинг олдини оладиган одамлар энг аклидирлар.

Подшо бойкушлар билан урушиш кароридан воз кечиши керак. Фил билан урушганлар унинг оёк остида топталанадилар.

Шох деди:

— Урушишни истамасанг, хўш, нима маслахат берасан? Коршинос деди:

— Баъзан маслахат ва тадбир билан килинган ишни катта кўшин ёрдами билан ҳам бажариб бўлмайди. Дарёнинг суви ирмокчалардан йигилгани каби, шохнинг акл ва закоси ҳам вазирлар маслахатидан нур олади. Аклли шох душманнинг канчалик куч-кувватга эга бўлганини, ишлатадиган хийла ва тадбирини билади. У хамиша душман тарафнинг ишларини кузатиб, бирин-кетин рўй берадиган ходисаларни тасаввур эта билади, синовдан ўтган ёрдамчилари билан маслахатлашиб туради.

Сўзга тушунадиган, ишбилармон одамлар билан маслахатлашмасликнинг охири ёмон бўлади. Акл ва зако нуридан махрум бўлмаган, тажрибали, дунёда хар нарсани кўрган ва билган маслахатчиларнинг сўзларини ўзига шior килиб олган шохнинг бахт юлдузи дунё тургунча порлок бўлади...

Шох мени маслахат бериш шарафига муяссар килди. Мен ўз фикрларимнинг баъзиларини очик, жамоат олдида сўзлашим, баъзиларини эса шохнинг ўзига яширин айтишим мумкин. Жамоат олдида шуни очик айтишим мумкинки, мен урушга каршиман, айна замонда бўйин эгиб тобе бўлиш, муте бўлиб бож тўлаш каби расвогарчиликни ҳам тўгри деб билмайман.

Акл эгалари яхши ва мазмунли умр кечирсалар, узок яшашни орзу киладилар. Улар расвогарчилик ва бахтсизликдан ўлимни устун кўрадилар. Мен маглубиятнинг ва ўлимнинг элчиси, акл заифлигининг, рухий тушкунликнинг жарчиси бўлган ожизликни окламайман, ожизлик кўрсатмокни маслахат бермайман.

Кимки ожизлик кўрсатса, фойда эшиклари унинг учун бекилади. Унинг ўйлаган тадбирлари, килмокчи бўлган ишлари каршисида катта тўсик пайдо бўлади... Энди колган сўзларимни хилватда айтсам яхширок бўлур эди, чунки галабининг калити эхтиёткорликдир. Эхтиёткорликнинг биринчи шарти эса кенгаш ва маслахатдир. Мана энди шох ўз хизматида бўлган одамлар билан маслахатлашиб, уларнинг фикрини сўраб, ўзининг узокни кўрадиган, эхтиётли, иродали, жасур, аклли эканлигини кўрсатди...

Шохларнинг шундай ишончли ва эътиборли одамлари бўлиши керакки, уларга ўз сирларининг хазиналарини очиб кўйиб, яширин максадларини уларга айта билсин... Шох акл ва закода, илм ва тажрибада ўз маслахатчисидан устун бўлса-да, лекин мой куйганда чирок лопиллаб ёнгани, ўтин калаганда ўчок олови баланд бўлгани каби шохнинг акли ҳам мушовирининг маслахатидан мукаммаллашади, тажрибаси ортади. Кимники кучли, иродали, аклли маслахатчилари бўлса, унга бахт ёрдир, биринчисининг ёрдами билан галаба козониб, иккинчисининг ёрдами билан хавф-хатарнинг олдини олади. Маслахатчиларнинг ўз бошликлари билан тиллари ҳам, диллари ҳам бир бўлиши керак. Агар шохдан хато содир бўлса, маслахатчи майинлик билан шохга хатосини тушунтирмоги, шохни тўгри йўлга солмоги ва шундай килиб икки томон учун ҳам макбул бўлган карорга келмоги лозим. Шохга шундай сидкидил хизмат килмайдиган, хакикатни аён килишга тиришмайдиган вазир ва маслахатчилар душман деб саналишлари керак...

Агар шох хакни нохакдан, дўстни

душмандан ажрата билса, ёмонга жазо, яхшига инъом беришда одиллигини кўрсатса, юртни гайратли, тадбиркор ва узокни кўрадиган одамларга топширган бўлса, бундай такдирда унинг шаън-шавкатига путур етмайди, фитнес-фужурларга ўрин колмайди... Ўз сирини саклайдиган, лаёкатли вазирлар топа оладиган, раияти хайикадиган, сир бой бермайдиган, яхши ишлайдиганларни такдирлайдиган, садокат билан хизмат киладиганларнинг кадрига етадиган, гунохкорларнинг адабини бериб турадиган, маслахат билан иш кўрадиган, тадбирли шохнинг хокимияти узок умрли бўлади. Казонинг

кўли бундай шохнинг ишини барбод кила олмайди, аксинча, унга хизмат этади. Аслини суриштирилса, бахт-саодат меҳнат ва гайрат билан кўлга киритилади...

Агар шох сир саклай олмаса, ўзига ҳамда подшоҳлигига путур этади. Кашмир подшоҳи ўз вазирага сир айтгани касофатидан оз фурсатда подшоҳликдан тушиб, хор-зор бўлгани каби.

Фируз сўради:

— У қандай бўлган эди? Бешинчи қарга жавоб берди:

— Кашмир вилоятида бир подшо бўлиб, унинг ниҳоят даражада гўзал, сочлари узун ва коп-кора, шўх бир махбубаси бор эди. У нозу карашма ва ширин сўз билан хамманинг токатини ток қилар эди. Айниқса, подшо мулозимларидан бир йигит унга каттик меҳр кўйиб, ишқ ўтида ёнар эди. Улар кўз ва кош имоси билан гаплашар эдилар. Бир кун подшо айшу ишрат қилиб ўтирганда, у йигит хизмат учун ўрнидан турди ва ўз маъшуқасининг юзига қараб қулиб кўйди. Маъшуқаси ҳам табассум қилиб, кош учириб, унинг кўнглини овлади. Бундан кўриб қолган подшоҳнинг газаби кўзиб, махбубасининг бахридан ўтмокчи бўлди. Кейин ўйлаб, икки кишини ўлдиришга ошиқиб ақлдан эмас, сабр қилмок керак деб ўзини кўрмаганга солди. Эртаси кун подшо хар кундагидек ўз ишлари билан шугулланди. Кейин давлат устунларидан бўлган бир вазирни хилватга чақириб, унга кечаси бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Вазир уларни ўлдиришни маслаҳат берди. Подшо билан вазирнинг фикри бир жойдан чиқди: уларга захар бериб ўлдирмокчи бўлдилар. Лекин бу сир подшо ва вазир орасида пинхон қолиши керак эди. Вазир уйига келиб кизини гамгин холда кўрди ва бунинг сабабини сўради.

Вазирнинг кизи деди:

— Бугун подшо саройига бориб эдим, подшоҳ-нинг хотини менга илтифот қилмади. Мен ўз тенгларим ва дугоналарим ўртасида хижолат тортдим.

Вазир кизига тасалли бериб деди:

— Гам ема, бир-икки кун ичида унинг умр чироги ўчади ва хаётининг гули сўлади. Киз бундан эшитиб нима гаплигини сўради. Вазир ҳамма гапни айтиб берди ва сир тутиб бундан хеч қимга айтмасликни уқтирди. Киз эшитганларидан хурсанд бўлиб отаси хузуридан чиқди. Бу аснода харам ходимларидан бири узр сўраб, киз ёнига келди. Киз деди:

— Майли, хоним мени бесабаб хафа қилгани учун жазосини кўради. Ходим хурсанд бўлиб сўради:

— Бу сўзни қаердан эшитдинг?

Киз жавоб берди:

— Бировга айтмасанг, сўзлаб берман. Ходим онт ичгач, киз ҳамма гапни айтиб берди. Ходим дарров уйига бориб, эшитганларидан хотинини огоҳ қилди. Хотин эса гунохкор йигитни хилватга чақириб, ҳамма гапни айтиб берди. У йигит бир неча шерикларини тўплаб подшоҳни ўлдирди.

Агар подшо вазирга сирини айтмаганда эди, шу холга тушмаган бўлар эди. Бу қиссадан хисса шуки, подшо вазирлар билан кенгаш қилиши ва уларнинг берган маслаҳатларидан фойдаланиши мумкин, аммо ўз сиридан уларни воқиф қилмаслиги керак. Чунки ўзга одам хеч қачон бировнинг сирини саклай олмайди.

Аммо шохларнинг сирлари хар хил бўлади. Уларнинг баъзиларини бирор одамга айтиш мумкин эмас, баъзиларини айрим кишиларга сўзлаш мумкин. Мен айтмокчи бўлган сирга қелганимизда, ундан фақат тўрт қулук ва икки юрак воқиф бўлмоги мумкин.

Шох бешинчи қарга, яъни Қоршинос билан хилватга қириб сўради:

— Биз билан бойкушлар орасида бўлган адоват ва душманликка нима сабаб бўлган эди? Коршинос деди:

— Бир карганинг айтган бир калима сўзи сабаб бўлган эди. Шох сўради:

— Кандай сўз? Коршинос хикояти

Бир гала кушлар бойкушни ўзларига шох кўтармокчи бўлдилар. Улар бир ерга йигилишиб, бу борада кенгаша бошладилар. Шу вақт узокдан бир карга кўринди.

Кушларнинг бири деди:

— Бироз сабр килайлик, карга етиб келсин, у билан ҳам маслахатлашиб кўрайлик-чи, нима дер экан, ахир у ҳам паррандалар жинсидан-ку. Агар бутун табака намояндалари якдил бўлмасалар, қарор бир овоздан қабул этилган ҳисобланмайди.

Карга келиши билан унга ахволни баён этдилар.

Карга деди:

— Агар бутун кушлар ҳалок бўлиб, товус, турна, гоз каби номдор паррандалар йўқ бўлиб кетсалар ҳам бойкушга тобе бўлиб, унинг сўзлари ва буйруги билан яшашдан кўра шохсиз қолиб, ўз ақл-идроқимиз билан яшаш яхшироқдир. Чунки бойкуш зоҳиран кушларнинг энг хунуги, ботинан энг ёмони ва ифлосидир. Унинг ақли кам, ўзи ниҳоят даражада аҳмоқ, сержаҳл ва раҳмсиздир. Бунинг устига, у кундуз қуни ҳеч нарса кўрмайди. Ҳаммасидан даҳшатлиси шуки, у ҳосиятсиз, шарм-ҳаёсиздир. Бинобарин, фикрингиздан қайтинг, уни ўзингизга шох қила кўрманг, усиз ҳам қунигиз ўтади. Ўзини ойнанинг элчиси эълон қилиб, ўз ақли билан буюқ ишлар қилган қуён каби бўлинг.

Кушлар сўрадилар:

— У қандай ишлар қилган?

Хикоят

Филлар яшайдиган ўлкаларнинг бирида қурғокчилик рўй берди. Булоқлар қуриди. Сувлар тугади. Филлар сувсизлик ва ташналикка чидай олмай ўз шохлари ҳузурига қелиб, шикоят қилдилар, зор-зор йиғладилар.

Шох сув ахтаришга одамлар юборди. Кўп ахтариб, ниҳоят «Ой» номли суви бор бир булоқ топдилар. Филларнинг шохи бутун фуқаросини тўплаб, ўша булоққа олиб борди. Булоқ қуёнлар ўлкасида бўлганидан филлар инларида ётган қуёнларни топтаб, ҳаммаёқни вайрон қилдилар. Эртаси қуёнлар йиғилиб, ўз шохларининг ёнларига қелдилар ва дедилар:

— Филларнинг бошимизга қелтирган фалокатлари сенга маълумдир. Агар тезликда бу тадбир кўрилмаса, улар бизни тамомила йўқ қилиб юборадилар.

Қуёнларнинг шохи деди:

— Қимнинг нима таклифи бўлса, ёнимга қелиб айтсин, кенгаш қилиб шу балони даф этамиз.

Қуёнларнинг ичида ўзининг донолиги билан шухрат топган Бехруз отли бир қуён бор эди. У олдинга чиқиб шундай деди:

— Шох бу ишни менга ҳавола қилиб, филларнинг ёнига юборсинлар. Менга ишончли бир маслахатчи берсалар, у менинг нималар деб, нималар қилганимни шохиди бўлади ва қелиб шохга айтиб беради.

Шох деди:

— Биз сенинг айтган сўзларингга ишонамиз. Қиладиган ишларинг муваффақиятли бўлишига шубҳа қилмаймиз. Майли, бор. Вазият ва шароитга қараб ҳаракат қил. Лекин унутмаки, элчи шохнинг тили, зехни ва қалбидир. Элчининг ақл-заковатига қараб, уни юборган шохнинг ақли ва ишлари қай ахволдалиги тўғрисида ҳукм чиқарадилар. Агар

элчи назокатсизлик килса, уни юборган шохни таъна киладилар. Элчи ўз шохининг номус ва иззатига, шаън ва шавкатига халал етказмаслиги, шу билан бирга душманнинг нима фикрда эканлигини билиб келиши лозим.

Бу сўзларни диккат билан эшитган Бехруз ойдин кечада филлар томонга равона бўлди. У ўзича ўйлар эди: "Агар филлар ўзлари ёмонлик килишни истамасалар-да уларга якинлашмоқ мен учун хатарлидир, оёқлари остида қолиб кетишим мумкин. Илон уни ўз кўлида ўйнатаётган одамни чакишни истамаса ҳам, огзининг суви унга тегса бас, одам ўша соатда халок бўлади. Яхшиси шуки, бир тепанинг устига чикиб, филлар билан ўша ердан туриб гаплашай". У шундай килди. Узокдан филларнинг шохини чакириб деди:

— Мен ой тарафидан юборилган элчиман. Элчининг айтганлари кўнгилсиз бўлса-да, унга диккат билан кулок солмоқ ва бунинг учун элчини кораламаслик керакдир.

Филларнинг шохи сўради:

— Ой нима хабар юборди? Бехруз деди:

— Ой дедики, хар ким ўз кувватига ишониб заифларни ранжитса ва ўз куч-кудратидан магрурланиб ўзидан кучсизларни тахкир этса, унинг бу куч-кувати ўзининг халокатига сабаб бўлади. Сен ўзингни бошка хайвонлардан устун хисоблаб хаддингдан ошибсан. Иш шу даражага етибдики, менинг номим билан аталган булокка кўшинларингни олиб бориб сувини булгатибсан. Сени огохлантириб кўяй, агар бундан кейин яна шу ишингни такрорласанг

кўзларинг-ни ўйиб оламан ва ўзингни халок этаман. Агар бу сўзлардан шубха килсанг, хозир булок бошига кел, ўша ерда сен билан учрашамиз.

Филларнинг подшохи бу сўзларни эшитиб таажжубланди ва булок тарафга йўл олди. Сувга караб ойнинг аксини кўрди.

Бехруз деди:

— Нега караб турибсан, тез бўл, хартуминг билан сув олиб юзингни юв, бош эгиб таъзим кил.

Фил хартумини сувга солиши билан сув чайкалиб ой калкий бошлади. Фил кўркиб Бехруздан сўради:

— Хартумимни сувга тиксам ойнинг аччиги келяпти шекилли. Бехруз деди:

— Албатта аччиги келади-да, тез бўл, вакт ўтмасин, сажда килиб узр сўра!

Фил дархол бош эгиб узр сўради ва бу ерга бундан кейин ўзим ҳам, бошка филлар ҳам оёк босмайдилар, деб онт ичди.

Карга деди:

— Бу масални айтишдан максад сизни огох килиб кўймоқдир — бойкуш маккор ва алдамчидир. Шунинг учун бойкушни ўзингизга шох кўтариб ўтирмангиз ва ўз ишларингизни унга топширманг. Золим подшоҳларга, хийлакор ва ёлгончи хукмдорларга ишонганларнинг бошига такводор мушукка мурожаат этган каклик билан тиху¹ бошига тушган савдо тушади.

Кушлар сўрадилар:

— Уларга нима бўлибди? Хикоят

Бир каклик менинг кўшним эди, бир-биримизнинг меҳру мухаббатимиз зўр эди. Бир куни у тўсатдан йўқолиб колди. Халок бўлган бўлса керак, деб ўйладим. Бир неча вакт ўтгандан кейин бир тиху келиб, унинг уясида яшай бошлади. Мен унга ҳеч нарса демадим.

Орадан бир неча кун ўтгач, каклик кайтиб келди. Уйида тихуни кўриб деди:

— Уйимни бўшат! Тиху деди:

— Хозир бу уй меники. Агар сеники бўлса, исбот кил. Каклик деди:

— Сен нима деяпсан, менинг козидан хужжатим бор. Тиху жавоб берди:

— Бир одил хокимни топиб унга мурожаат килишимиз керак. У хар биримизнинг сўзларимизни тинглаб одилона қарор чиқариб берсин.

— Яқинимизда бир мўмин мушук бор, у кечаю кундуз рўза тутиб, тоат ва ибодат билан машгул бўлади... Ундан кўра одилроқ бўлган кози топа олмаимиз. Сўзимизни эшитиб, инсоф билан ҳукм чиқариб беради.

Икковлари мушук хузурига келдилар. Мен ишнинг нима билан тамом бўлишини, мушукни кўриш ва унинг қандай ҳукм чиқаришини билиш мақсадида уларнинг орқасидан эргашиб бордим. Мушукнинг кўзи уларга тушиши билан меҳробга юз ўгириб намоз ўқий бошлади. Намозни тугатгач, қалиқ назорат билан ундан илтимос қилди:

— Ўртаимизда низо чиқди, ҳал қилиб берсангиз. Улар ўз даъволарини айтиб бўлгач, мушук деди:

— Менга қариллик таъсир қилиб, танимда қувват қолмаган, кўзларим нурсизланиб, қулоқларим оғирлашган... Яқинроқ келинг ва баланд-роқ сўзланг, мен гапингизни яхши эшитиб олиб, одилона ҳукм чиқарай. Лекин бундан олдин сизларга бир маслаҳат берай, агар диққат билан қулоқ солиб, сўзимга амал қилсангиз, хар иккингиз дунёда бахтли бўласиз. Маслаҳатим шуки, хар иккингиз ҳам чин гапни айтинг, чунки ҳукм ҳақиқатни айтганнинг зарарига чиқарилса ҳам у одам қолиб ҳисобланади, агар ёлгон айтганнинг фойдасига чиқарилса ҳам, у одам енгилган ҳисобланади. Бу дунёда инсон учун тўғри сўздан, дуруст ишдан ҳам катта давлат бўлмайди. Ақлли одам бу дунёнинг молига хирс қўймайди, бойликни ёз булутидек ўткинчи ва қиш қуни қаби қиска деб билади, катта-кичик — қосиб, савдогар, қамбағал, бойга бир кўз билан қарайди. Ўзига раво қўрмаган нарсаларни ўзгаларга ҳам раво қўрмайди.

Мушук шу қадар тилёғламалик билан сўзлар эдики, қалиқ билан тиху унинг гапига махлиё бўлиб, яқинроқига бориб ўтирдилар.

Мушук бир сапчиб, уларнинг иккаласини тутиб еди. Унинг парҳез сақлаб, рўза тутмогининг, тоат-ибодат қилмогининг мақр-хийла эканлиги аён бўлди. Бойқуш ҳам шундай ваъдага вафосиз маққордир. Бинобарин, қомлик қилиб уни подшо қўтарманг. Шохлик тожини унинг ифлос бошига қийғизманг.

Қушлар бу сўзларни эшитгандан сўнг бой-қушни подшо қўтариш ниятидан воз кечдилар. Бойқуш пушаймон бўлиб маъюс қолди қаргага деди:

— Сен мени расво қилдинг, сен орамизга шундай бир хусумат солдингки, у дунё тургунча тураверади. Мен сенга бирон ёмонлик қилдиммики, унинг аламини оласан. Хар қолди шуни билишинг қаракки, қарахтни қессалар, унинг илдизидан бир шохча қўқариб, унинг ўрнини босади, қилич ва ўқ қараси битиб қетади, лекин тил қараси ҳеч вақт тузалмайди. Қалбга санчилган сўз ўқини қарариб бўлмайди. У умрбод ўша ерда қолади. Хар қарднинг бир қармони бор. Сувнинг қармони ўт, қархнинг қармони қарқ, қамнинг қармони қам, ишқнинг қармони ишқ; адоватни босадиган қори йўқ. Агар бутун қарёларнинг сувини сепсалар ҳам қин ва қараб отақини сўндира олмади. Сен қаргалар билан бойқушлар орасида шундай бир хусумат қарахтини ўтқаздингки, унинг илдизлари жуда қуқур, шохлари жуда қатқадир, у ҳеч қачон қуқурмайди.

Бу сўзларни бойқуш қараб билан айтиб, маъюс қолди қарига кетди.

Қарга қилган ишидан пушаймон бўлиб, ўз-ўзига деди: «Қодонлик қилдим, ўзим ва ўз ҳамқинс-ларимга қушман орттирдим. Бу сўзларни айтишга бошқа қушларга қаранда ҳаққим қўп эмас эди, улар ҳам бойқушларнинг айбларини қилар ва уларнинг нималарга қодир

эканликларини мендан яхши тушунар эдилар. Лекин бунинг окибатини билиб, юракларидаги сўзларини айтишдан ўзларини тийганлар. Энг дахшатлиси шуки, мен сўзни юзига айтдим, юзга айтилган сўзнинг тиги ўткир бўлади. Куч ва қувватига ишонган аклли одамлар ҳам бошқаларда адоват уйғотишни маслахат кўрмайдилар, ўз шаън-шавкатларига махлиё бўлмайдилар. Таряк ва бошка дори-дармонлари бўлган одам уларга ишониб захар ичмайди. Энг яхши фазилат — хайрли иш қила билмоқдир. Яхши сўз хайрли ишнинг ўрнини боса олмайди, чунки чиройли сўз бўлмаган тақдирда ҳам яхши иш ўз самарасини кўрсатади ва барча томонидан тақдирланади. Аммо чиройли сўз қилинадиган ишни халқ кўзида қанчалик латофатли қилиб кўрсатмасин, барибир бу иш амалга ошмай қолганда у сўз пушаймонлик келтиради. Мен сўзга эътибор бериб, ишнинг охири нима билан тамом бўлишини билмаган, бунга ахамият бермаган ана шундай ахмоқларданман. Агар ақлим бўлса эди, бундай ахмоқлик қилмаган бўлардим, аввал бирор киши билан маслахатлашардим. Муайян бир қарорга келгандан сўнг пардали сўзлар билан ўз фикримни айтганимда ўз ақлимнинг ноқислигини ошқор қилиб қўймаган бўлардим. Яхши ўйламасдан туриб бундай катта ва масъулиятли иш тўғрисида гап бошлаш ақлсизликдир. Дунё кўрган тажрибали одамлар билан маслахатлашмасдан иш бошлаганларни нодон деб ҳисоблайдилар. Ахир кўра-била туриб, ўзимизга душман орттирдим?!»

Қарга бир соатча ўз-ўзи билан шу зайлда сўзлашгандан сўнг ўқиб кетди.

— Биз билан бойқушлар ўртасидаги душманчиликнинг бошланиши мана шундай бўлган эди. Шох деди:

— Бу гапларни айтиб берганларинг яхши бўлди. Энди айтчи, сен бизнинг бошимизга тушган иш тўғрисида нима фикрдасан? Бир тадбир кўрсатки, нажот топайлик.

Бешинчи қарга деди:

— Урушишга, бож-хирож беришга, ватанни тарқатиб кетишга қарши эканлигимни айтган эдим. Менинча, бу ишнинг чораси хийладир. Қўп одамлар ақл билан шундай зафар қозонганларки, уларни куч ва уруш воситаси билан қўлга киритиб бўлмайди. Масалан, бир зоҳиднинг қўлидан хийла билан қўйини тортиб олганлари каби...

Шох сўради:

— Айтчи, қандай хийла билан қўйини тортиб олибдурлар? Қарганинг хикояти Бир зоҳид қурбонлик учун бир қўйни уйига олиб борар эди. Йўлда бир неча айёр одамлар унга дуч келдилар. Улар зоҳидни алдаб, қўйини олиб кетишга қарор қилдилар. Улардан бири зоҳидга яқинлашиб деди:

— Эй шайх, бу итни қаяққа олиб кетяпсан? Иккинчи тарафдан яна бири келиб деди:

— Шайх бу итни овга олиб бораётган бўлса керак. Яна бири бошка томондан келиб деди:

— Бу киши ташки қўринишидан зоҳидга ўхшаса ҳам, лекин аслида зоҳид эмас, чунки зоҳид ит билан дўст бўла олмайди, қўлинигина эмас, хатто қийимини ҳам итга тегишидан жирканади, итни харом деб билади.

Зоҳид уларнинг бир хил гапираётганлигини эшитгач, юрагига шубҳа тушди ва ўз-ўзига деди: «Балки қўй сотган одам жодугардир, итни қўзимга қўй қилиб кўрсатиб, менга сотгандир». Шуни деб қўйини ташлаб кетди. Лўттибозлар эса қўйни сўйиб, гўштини бўлиб олдилар.

— Бу масални айтмоқдан мақсадим, биз ҳам ишимизни хийла ва тадбир билан саранжом қилмоғимиз мумкинлигини кўрсатмоқ эди. Мен нажот йўлида ўзимни қурбон қилишга тайёрман. Шох мендан газабланган бўлсинлар ва мени ўз қонимга бўяб,

патларимни юлиб, бир дарахт тагига олиб бориб ташлашга амр килсинлар. Сўнгра шох ўз кўшинларини олиб фалон ерга чекинсинлар ва менинг кайтишимни кутсинлар. Мен хийлани ишлатиб ишни битиргандан кейин шохнинг хузурига бораман.

Шох унинг айтганларини бажо келтирди. Худди ўша кечаси бой-кушлар яна боскин килдилар. Лекин каргалардан асар топа олмадилар, дарахт тагида ётган каргани ҳам кўрмадилар. Мажакланган карга, бойкушлар уни кўрмасдан кетиб колишларидан ва чеккан жафолари бекор кетишидан кўркиб, ётган ерида кимирлаб, секин-аста ох-вох кила бошлади. Бойкушлар унинг ох-зорини эшитиб, ўз шохларига хабар етказдилар. Шох бир неча бойкуш билан ёнига келиб, унинг ким эканлигини, каргалар каерга кетганликларини сўрашни буюрди.

Карга отини, отасининг отини айтиб дедик:

— Каргаларнинг каер-га кетганликларини билмайман, бу менинг хозирги холимдан ҳам маълумдир.

Подшо деди:

— Бу каргалар шохининг вазиридир, билиш керак, нима учун уни бу кўйга солган эканлар. Карга деди:

— Сиз у куни бизга хужум килган кечадан сўнг шох бизни чакириб бу ҳақда фикримизни сўради. Мен дедим: «Бойкушларга каршилиқ кўрсатишнинг фойдаси йўқ, чунки улар бизга нисбатан кучли, шаън-шавкатлидирлар. Шунинг учун бир элчи юбориб улар билан сулх тузайлик, бож-хирож тўлайлик, рози бўлмасалар шахарларга таркалиб кетайлик, чунки улар учун уруш, биз учун эса сулх фойдалидир. Кучли душманга тобе бўлишдан бошқа чора йўқдир. Кўрмайсизми, кўк ўтлар бош эгиб кучли шамолдан ўзларини саклаб коладилар, илдизи мустахам, шохлари йўгон дарахтлар эса ағдарилиб тушадилар». Шуларни айтганимдан кейин кар-галар газабланиб, мени хоин ва бойкушларнинг тарафдори деб, шу ахволга солдилар. Энди билишимча, улар урушга тайёргарлик кўраётирлар.

Бойкушларнинг шохи бу сўзларни эшитгандан сўнг вазирларининг биридан сўради:

— Сен бу карга хақида қандай фикрдасан? Вазир деди:

— Унинг тўгрисида фикрлашиб ўтиришга хожат йўқ. Ер юзини унинг ифлос ва ярамас вужудидан қанчалик тез тозаласак, шунча яхши бўлади ва унинг макр-хийласидан шунча тез кутулган бўламиз. Унинг ўлими каргалар учун катта талафот бўлади. Оталар айтибдурлар: «Кимики бугун киладиган муҳим бир ишни эртага қолдирса бармогини тишлайди».

Ўлим гирдобидан кутулиб қолган ожиз душманни ўлдириб ундан кутулмаган пушаймон ейди. Шох унинг сўзларига ишонмасинлар, сафсаталарига эътибор бермасинлар...

Шох иккинчи вазиридан сўради:

— Сен нима дейсан? Иккинчи вазир деди:

— Мен унинг ўлдирилишини зарур деб билмайман. Чунки кучсиз ва қуролсиз душман муруватга сазовордир, ақлли одамлар бундайларни афв этиш билан ўзларининг олижаноб эканликларини бутун дунёга намоён қиладилар. Сигиниб, химоя излаб келганларга бошпана бермок керак. Баъзи ишлар борки, улар ўгри киши савдогарнинг хотинини ўз эрига меҳрибон қилиб қўйган каби душманга шафкат уйғотади.

Шох сўради:

— Ўгри қандай қилиб хотинини эрига меҳрибон қилиб қўйибди? Вазирнинг хунук савдогар хақидаги хикояти

Давлатманд, лекин хаддан ташқари хунук бир савдогар бор эди. Унинг хотини эса гоят

гўзал

эди.

Эри уни жуда яхши кўрарди. Лекин у эридан нафратланар, ундан ўзини олиб кочиб юрар ва бутун умри бўйи бир соат хам эри билан бирга бўлишни истамас эди. Бир куни уларнинг уйига ўгри тушди. Савдогар ухлаб ётар, хотини уйгок эди. Хотин ўгрини кўриб кўркиб кетди. Кочиб бориб эрининг кўйнига кирди ва уни махкам кучоклаб олди. Эри уйкудан уйғониб кетиб сўради:

— Бу кандай лутф, бу кандай мархамат? Кайси хизматим эвазига бу неъмат менга муяссар бўлди?

Аммо ўгрини кўриб масалани тушунди ва ўгрига деди: — Эй шер юракли йигит, кўнглинг истаганича мол-давлатимдан ол. Сенга халол бўлсин. Мен ёлғиз сенинг муборак кадаминг туфайли бу бахтга эришдим.

Иккинчи вазир хикоясини тугатиши билан шох учинчи вазирнинг фикрини сўради. Учинчи вазир деди:

— Албатта, буни ўлдириш керак эмас, аксинча, унга илтифот кўрсатиб бахшиш бермок лозимдир, шох саройи унга панох бўлсин. Аклли одам душман орасига нифок солишни хам галаба деб хисоблайди. Ўгри билан дев орасидаги жанжал зоҳидга қўл келгани каби душманлар орасидаги ихтилоф хам ишларни йўлга солиб юборишга имкон беради.

Шох сўради:

— Ўгри билан дев нега жанжаллашиб қолишган экан? Учинчи вазирнинг хикояти Зоҳид бир хўкизни уйига олиб кетаётган эди. Уни ўгри кўриб қолиб кетидан тушди. Бир дев хам инсон киёфасини кўриб, ўгрига хамроҳ бўлди.

Ўгри сўради:

— Сен кимсан ва каерга кетяпсан? У жавоб берди:

— Мен девман, зоҳидни таъкиб этиб келмокдаман. Фурсат топиб уни бўғиб ўлдирмокчиман. Хўш, сен ўзинг кимсан?

Ўгри деди:

— Мен юлдузни бенарвон урадиган ўгриман. Хозир зоҳиднинг семиз хўкизини ўгирламокчиман.

Улар бирга равона бўлдилар ва тунда зоҳиднинг уйига етиб келдилар. Зоҳид хўкизни боғлаб, унга сув, пичан бериб, ўзи ўрнига кириб ётди.

Ўгри агар дев зоҳидни ўлдирмокчи бўлса, у уйғониб қолиб шовкин солиши мумкин. Унда хўкизни ўгирлаш кийин бўлади, деб ўйлади.

Дев хам, агар ўгри хўкизни ўгирласа, чикиб кетаётганида унинг овозидан зоҳид уйғониб кетади-ю, уни ўлдириш мумкин бўлмай қолади, деб ўйлади.

Дев ўгрига деди:

— Сен бироз сабр кил, мен зоҳидни ўлдирай, сўнгра сен хўкизни олиб кет. Ўгри деди:

— Йўк, аввал мен хўкизни олиб кетай, сўнгра сен зоҳидни ўлдир.

Шундай қилиб, улар бир-бирлари билан келишолмай, жанжаллашиб колдилар. Ўгри зоҳидни чакириб деди:

— Эй бадбахт, нима қилиб ётибсан, тур, бу ерда дев бор, у сени ўлдирмокчи. Дев хам бакириб деди:

— Зоҳид, тур, уйингга ўгри тушди, хўкизингни ўгирлаб кетмокчи.

Зоҳид уйғониб кетиб, додлай бошлади. Дев ва ўгри кўркиб кочдилар.

Шундай қилиб, душманлар орасидаги ихтилоф зоҳиднинг моли ва жонининг саломат қолишига сабабчи бўлди.

Бу сўз шу ерга етганда, карганинг ўлдирилишини маслахат кўрган биринчи вазир деди: — Мен кўриб турибман, бу карга ўз макри билан сизни алдашга муваффақ бўлди. Мен ҳамон таъкидлайман, сиз гафлат уйкусидан уйғониб, кўзингизни катта очинг, бу ишнинг оқибатини ўйланг. Аклли одамлар ёлгон сўзларга учмайдилар. Факат тажрибасиз одамгина кичик бир хушомадгўйликни кўрганда юмшаб, аввалги хусуматни, душманнинг хиёлати ва риёкорлигини унутди, душманнинг ёлгон гапини рост деб қабул қилади ва у билан келишади. Хаммасидан таажжублиси шуки, бу ёлгончининг кўзбўямачилиги натижасида Басра сизнинг кўзингизга Бағдод бўлиб кўриняпти ва сиз хотинининг сўзига ишонган дурадгорга ўхшаб қоляпсиз.

Шох сўради:

— Дурадгорга нима бўлибди?

Биринчи вазирнинг хикояти

Сарандип шаҳрида бир дурадгор бор эди. Унинг хотини бағоят хушрўй, хийлакор ва ишвали аёл эди. Дурадгор ўз хотинини хаддан ташкари севар, у эса кўшнилари билан бири билан алоқада эди. Кариндошлар бундан хабардор бўлиб қолиб, дурадгорга етказдилар. Дурадгор аввал ишни текшириб, сўнгра чора кўрмоқчи бўлди.

У хотинига деди:

— Мен унча ҳам узок бўлмаган бир кишлокка борадиган бўлиб қолдим. Лекин сафарим уч-тўрт кунга чўзилса керак. Сафар анжомини хозирлаб қўй.

Хотин дархол сафарга керакли нарсаларни тайёрлай бошлади. Дурадгор хотини билан хайрлашиб чиқиб кетди.

Эри кетиши билан хотин ўйнашига хабар қилди. Дурадгор эса кечаси яширин йўл билан уйига кириб келди. Хотинини ўйнаши билан бирга суҳбат қуриб ўтирганини кўрди, лекин дурадгор шошилмади, улар ётоққа кирсинлар, кейин ушлайман, деб кутиб турди. Улар ётоққа кириб ётдилар. Дурадгор иш нима билан тугашини мушоҳада қилмоқ учун тахтанинг остига кириб олди. Лекин бироз вақт ўтгач, уни уйку элтиб, оёғи тахтанинг остидан чиқиб қолганини билмай қолди. Хотинининг кўзи оёққа тушиши билан дархол масалани тушунди. У ўйнашининг қулогига секингина бир нарса деб пичирлади.

Ўйнаш қулимсираб сўради:

— Эрингни кўпроқ севасанми ёки мени? Хотин жавоб берди:

— Эримни кўпроқ севаман. Баъзан соддалик, баъзан нодонлик ва баъзан эхтирос хотинларни асл ва насабига, қобилият ва лаёқатига қарамай, улар билан яқинлик қилишга мажбур этади. Энди эрга келсак, у бошқа масала. У ота, жигар ва авлод қабидир. Ўз азиз жонидан эрини минг марта ортиқ кўрмаган, эрининг роҳати ва фароғати учун ўз ҳаётини қурбон қилмаган хотинга минг лаънат!..

Дурадгор бу сўзларни эшитгач, юраги юмшади ва ўз-ўзига деди: «Хотинимдан бадгумон бўлиб, яхши иш қилмадим. Ҳеч бўлмаса энди уларнинг қайф-сафоларини бузмай».

Шундан кейин овозини чиқармай, сахаргача тахтанинг остида ётди...

Тонг билан, ўйнаш кетгандан сўнг дурадгор тахтанинг остидан чиқиб хотинининг олдига келиб ўтирди. Хотин ўзини ухлаганга солиб ётди. У хотинини аста-секин уйғотиб, охишта силаб дер

эди:

— Агар сенинг қалбинг садосини эшитмасам эди, ҳалиги кишининг уйини ёндириб юборардим, бошқа ҳаёсизларга бу ибрат дарси бўлар эди. Лекин сенинг менга бўлган муҳаббатингни ва бу ишни янглишиб соддалигингдан қилиб қўйганингни билгач, сенинг номусингни кўриқлашни лозим билдим. Кўркма, ўзингни қўлга олиб қилди билди.

Сенинг хакингда баъзи ёмон нарсалар ўйлаб, бадгумон бўлганим учун мени кечир. Хотини ҳам узр сўрай бошлади. Шундай қилиб, ҳар икки тараф орасида тотувлик вужудга келди.

Бу масални шунинг учун келтирдимки, сиз ҳам дурадгор каби алданиб, қарганинг мақр-хийласига учмай ва ҳушёрлигингизни йўқотмагaysиз. Душманлар узок масофадан туриб зарба бера олмасалар, яқинлашиш йўлини кидира бошлайдилар ва ўзларини хайрихоҳ қилиб кўрсатишга уринадилар, шу восита билан сирдош бўлиб оладилар. Сирларни билиб, керакли маълумотларни олгач, пайт пойлаб туриб шундай зарба беришлари мумкинки, улар етказган жароҳатларни асрлар мобайнида ҳам тузатиш мумкин бўлмайди. Мен қаргаларни синаб кўрган, уларнинг ақл-фаросатларини имтиҳон қилганман. Бу малъун қаргани кўриб, унинг сўзларини эшитгач, уларнинг узокни кўрадиган эканликлари яна бир қарра маълум бўлди.

Бойкушларнинг подшохи вазирнинг сўзларига ахамият бермади. Қаргани ҳурмат қилиб, едириб-ичириб, уни яхши меҳмон қилишни буюрди.

Қаргани ўлдириш тарафдори бўлган вазир деди:

— Модомики, қаргани ўлдирмадингиз, ҳеч бўлмаса, у билан душман каби муомалада бўлинг. Унинг мақр ва хийлаларига ўқиб хотиржам бўлманг. Шунини айтиб қўяйки, унинг бу ерда бўлиши — бизга бахтсизликкина келтиради.

Подшо унинг бу сўзларига ҳам эътибор бермади, доно ва ақлли вазирининг насиҳатларига қулоқ солмади. Қарга эса шохнинг хизматида қолиб, иззат-ҳурмат ичида яшай бошлади. У шохга яқин одамлар билан қалин дўст бўлиб олди. Шох ва унинг мулозимлари унга меҳр қўйиб, насиҳатларига қулоқ соладиган бўлдилар.

Бир қуни қарга қатта бир мажлисда, жамоат олдида шундай деди:

— Қаргаларнинг шохи менга сабабсиз жафо етказди, мен ундан қасос олмагунимча тинчий олмайман. Бу ҳақда кеча-ю кундуз ўйлайман. Охири шу фикрга келдимки, қарғалигимча қолсам, бу орзумга ета олмайман. Олимлардан эшитган эдимки, биров золимдан жафо кўриб, ўзини оловга ташласа ва шу чоғда дуо ўқиса илтижоси мустажоб бўлади. Подшо рози бўлса, мени ўтга ташланглар, бағримга олов ўта бошлаганда, бойкушга айланишимни сўраб дуо қиламан, зора шу йўл билан у золимдан интиком олсам. Қаргани ўлдиришни маслаҳат кўрган бойкуш ҳам шу мажлисда эди. У қарганинг бу сўзларини эшитиб деди:

— Сен ўзингни зоҳиран гулдек покиза қилиб кўрсатишга уринаётган бўлсанг ҳам, қўнглинг қора, ўзинг мақкор ва риёкор махлуқсан. Сен ранги гўзал, хиди ҳуш, лекин захар солинган шаробга ўхшайсан. Сенинг қора қалбинг, нопок вужудинг на сув билан тозаланур, на ўт билан; сен қайси шаклда кўринмагин, семургми, товусми қиёфасига қирмагин, барибир, ҳамиша сен қаргаларга ёрдам қилиш орзусидасан. Сен қуёш, булут, шамол ва тоғга тегиш ҳақидаги тақлифни рад этиб, улардан сичконни афзал кўрган сулув қиз қиёфасидаги сичконга ўхшайсан.

Шох сўради:

— У сичкон қандай қуёвга чиқибди? Бойкушнинг хикояти

Бир дуо қиз мустажоб зоҳид бор эди. Бир қуни у ариқ лабида ўтирганида тепасидан бир қалхат ўқиб ўтди. Унинг тумшугидаги сичкон боласи зоҳиднинг ёнига тушиб кетди. Зоҳид у сичкон боласига шафқат қилиб, уни япроққа ўради-да, ўйига жўнади. Ўйдагилар уни ранжитмасин, деб бир дуо билан уни сулув қизга айлантди. У шундай бир қиз бўлдики, қун деса қўзи бор, ой деса юзи бор эди. Хотинига деди:

— Бу менинг қизим, ўз болаларингни қандай тарбият қилсанг, буни ҳам шундай тарбият

кил. Хотини уни ўз кизидек кўриб, парвариш кила бошлади. Киз балогатга етгач, зоҳид унга деди:

— Сен катта бўлиб қолибсан, энди эрга тегадиган вақтинг келди, кўнглинг истаган одамлардан бирортасини айт, мен сени унга узатай.

Киз деди:

— Мен энг кучли бир кимсага куёвга чиқишни истайман.

Зоҳид деди:

— Демак, куёшга турмушга чиқмоқчи экансан-да? — Сўнгра куёшга қараб деди: — Бу гўзал ва ифбатли киз кучли ва қудратли ерга талабгор, уни сенга берсам дейман.

Куёш деди:

— Мен унга ўзимдан ҳам кучли, қудратли бир эр кўрсата оламан. У булутдир. У менинг юзимни беркитиб, инсонларни менинг жамолим ёруглигидан махрум этади.

Зоҳид булутнинг ёнига келиб, ўша гапни айтди.

Булут деди:

— Шамол мендан кучли, чунки у мени хоҳлаган ерига қувиб олиб кетади. Зоҳид шамол ёнига келиб, ўз таклифини такрорлади.

Шамол деди:

— Тог мендан кучли, мен уни жойидан кўзгатолмайман, у менинг йўлимни тўсади.

Зоҳид тогнинг ёнига келиб, ўша гапни айтди.

Тог деди:

— Сичкон мендан кучли, у менинг бағримни тешиб, юрагимда ўзига ин ясаган. Уни қувиб чиқаришга кучим етмайди. Сен унинг ёнига бор.

Киз бу сўзни эшитгач, деди:

— Тўғри гап. Менинг асл эрим ўша сичкон бўлиши керак. Зоҳид сичконнинг ёнига келиб, деди:

— Сен шу кизга уйланасанми? Сичкон деди:

— Менинг хотиним ўз жинсимдан бўлиши керак. Киз зоҳидга деди:

— Дуо кил, мен сичкон бўлай.

Зоҳид дуо килди. Киз сичконга айланиб қолди ва зоҳид уни сичконга узатди, шундай қилиб, сичкон аслига қайтди.

Шуни деб бойкуш қаргага деди:

— Эй хийлакор, сенинг ҳам табиатинг шу сичконнинг табиатига ўхшайди.

Бойкушлар подшоҳи бу сафар ҳам унинг сўзларига бовар қилмади. Қарга эса ўз ишини билиб қилар, ҳар қуни янги-янги марокли хикоялар, ажойиб ва гаройиб афсоналар айтиб, бойкушларнинг бошини айлантлар, секин-секин уларнинг қалбларига қириб, сирларини ўрганар, ётадиган-турадиган ерларини кўз остига олиб қўяр эди. Ниҳоят, бир қуни фурсат топиб, яширинча қаргаларнинг ёнига келиб, деди:

— Мўлжаллаган ишларимни битирдим, энди бу ёғи сизларга қолди, ишни бошлаш керак. Бир гайрат кўрсатсангиз бойкушлар подшоҳини қўшин-пўшини билан асфаласофилинга жўнатасиз.

Шоҳ деди:

— Сенсиз ишимиз битмайди. Нима қилмоқ лозим бўлса айт, амр қилай. Қарга деди:

— Бутун бойкушлар ҳозир фалон тоғдадирлар, қундузлари фалон тоғга тўпланадилар. Тоғнинг яқинида қуриб ётган тиканзор ва чақалақзор бор. Подшо буюрсин, қаргалар ўтинларни йигиб тоғ остига қаласинлар. Мен эса бирор чўпон гулханидан бир чўғ олиб келиб ўтинга ташлай, шунда қаргаларнинг ҳаммаси қанот қоқа бошласинлар, бунинг

шамолидан олов гуриллаб ёниб кетади, гордан чиккан хар бир бойкуш куйиб ўлаверади, чиколмаганлари эса тутундан бўгилиб халок бўлади.

Подшоҳга бу тадбир маъкул тушди. Шох амр килди, карганинг бутун айтганларини бажо келтирдилар. Бойкушларнинг хаммаси куйиб ўлди. Каргалар галаба козониб, ҳеч талафот бермай шод ва хуррам бўлиб ўз ерларига қайтдилар. Шох ва унинг лашкарлари карганинг бу ажойиб тадбирини, кўрсатган бу улуг хизматини мактаб, унга миннатдорчилик билдирдилар.

Бир куни шох суҳбат асносида каргадан сўради:

— Дейдиларки, яхшилик билан ёмонлик ўт билан сувдек бир-бирига душман, яхшилар ёвуз одам билан улфатчилик килолмайдилар. Сен эса қандай қилиб шунча муддат бойкушлар билан бирга яшай олдинг?

Карга жавоб берди:

— Рост айтдингиз. Лекин аклли одамлар ўз кабиладошларининг орзуларини рўёбга чиқариш учун жонбозлик кўрсатиб, йўлида дуч келган хар қандай қийинчиликлардан кўркмайдилар, машаккат ва азиятни писанд килмайдилар. Ахир ганж ранжсиз қўлга кирмайди, гул тикансиз бўлмайди. Катта ва масъулиятли ишларда, айниқса, ватан ва шох тахлика остида қолганда душманни даф этиш ишига совукконлик билан қараган шахсларни ҳикмат эгалари қоралайдилар...

Подшо деди:

— Бойкушларнинг акл-фаросатидан сўзлаб берсанг. Карга деди:

— Уларнинг ичида мени ўлдиришни маслаҳат кўрган бойкушдан бўлак бирорта зийрак ва акллисини кўрмадим. Унинг гапига ҳеч қим қулоқ осмади. Мен ўз уругдошларим олдида юксак

ҳурмат ва баланд мавқе эгаси эканлигим, аклли ва тажрибали ҳисобланганлигимни, ҳийла ишлатиб уларга тузук қўйишим мумкинлигини англашга фаросатлари етмади. Улар на ўз акллари билан иш қўра олдилар, на маслаҳатчиларнинг айтганларини қабул этдилар. Улар мендан ўз сирларини ҳам яшира олмадилар. Холбуки, подшоҳлар ўз сирларини норози дўстдан саклашлари лозим.

Подшо деди:

— Демак, бойкушлар халокатининг сабаби подшоҳларининг такаббурилиги ва вазирларининг аҳмоқлиги эканда?

Карга деди:

— Худди шундай. Галаба козониб мағрурликка берилмайдиган, хотинлар билан ёмон юриб, шарманда бўлмаган, кўп таом еб қорни огримаган одам, аклсиз вазирлар сўзига қириб халок бўлмаган подшо қамдан-қам топилади.

Подшо деди:

— Душманни даф этиш учун кўп машаккатлар чекдинг. Хатто ўз иззат-нафсингни аямай душман олдида тиз чўкишга ва уни ҳурматлашга мажбур бўлдинг.

Карга деди:

— Мақсадга эришиш учун барча азоб-укубатни бўйнига олган қимсага бундан бошқа чора йўқдир. Шохим, илоннинг нима учун қурбакага хизмат қилишга рози бўлганлигини эшитгандирлар.

Подшо деди:

— Қани эшитайлик. Карганинг ҳикояти

Бир илон қариб, қуч-қувватдан қолиб, овга ярамай тирикчилик ўтқизиш йўлини тополмади. Ўз-ўзига дер эди: «Йигитлик қетди, уни энди қайтариб бўлмайди. Ҳеч

бўлмаса қарилгимни тинчгина ўтказсайдим. Бу вафосиз дунёга кўнгил кўйиб бўлмайди, охири войдир. Модомики, мен шу ахволга тушибман, азият ва машаккатга таслим бўлмай, макр ва хийлага мурожаат этай».

Шуни деб илон қурбакалари кўп бўлган бир кўлнинг қиргогига судралганича келди-да, чўзилиб ётди. Бир қурбака унинг ёнига келиб сўради:

— Сенга нима бўлди? Хафа кўринасан? Илон жавоб берди:

— Дунёда мёндан бахтсиз бир махлук бормикин? Менинг тирикчилигим қурбака тутиб ейиш билан ўтар эди. Энди шундай бир касалликка йўлиқдимки, қурбакалар ўзлари келиб оғзимга қирсалар ҳам юта олмайман.

Қурбака бу хабарни ўз шохига етказди, қурбакалар шохи таажжуб қилиб илонни ўз хузурига чақиртирди ва деди:

— Қандай қилиб сен бу касалликка йўлиқдинг?

Илон деди:

— Бир қуни бир қурбакани тутмоқчи бўлиб қувлаган эдим, у қочиб бир зоҳиднинг уйига қириб кетди, мен ҳам унинг орқасидан эргашдим. Уй қоронги эди. Зоҳиднинг ўгли ухлаб ётган экан, билмабман. Оғзимни очиб бир ҳамла қилган эдим, қурбака деб ўша боланинг бошмалдоғини тишлаб олибман. Зоҳиднинг ўгли ўша замон қон берди.

Зоҳид буни кўриб менинг орқамдан қувлай бошлади ва мени лаънатлаб дер эди: «Илоё, сен шундай бир касалликка дучор бўлгинки, қурбакалар шохи сенинг устингга миниб гашт қилиб юрадиган бўлсин. Қурбакалар шохи ўзи инъом қилмагунча, асло қурбака юта олмагин». Энди бу ерга, зора шох менинг устимга миниб сайр қилиб юрса деган умид билан келдим, чунки қазонинг ҳукмидан қочиб қутулиб бўлмайди.

Шохга бу сўз маъқул тушди, ўзининг шундай бир шаън-шавқатга, шараф ва ҳурматга лойиқ бўлганлигидан шод бўлди ва илоннинг устига миниб олиб қерилганича сайрга жўнади.

Бироз вақт ўтгач илон деди:

— Шохим омон бўлсинлар, менга уни сайр қилдириб юриш учун қуч қерак, оқат қерак, энди эса хол-жоним қолмади.

Шох деди:

— Тўғри айтасан. Хар қуни сенга икки қурбака инъом қиламан.

Илон хар қуни икки қурбака еб ўз қунини ўтказар эди. У ўзининг қурбакага қилаётган бу хизматидан қойда олаётгани учун уни ўзига ор ва номус деб билмас эди.

Мен ҳам азият чексам-да, сабр қилдим, чунки бу душманни ҳалок этмоқ, қавмимизни таҳликадан қутқармоқ ва шохнинг ҳаёти, давлатини сақлаб қолмоқ учун зарур эди.

Душманни бартараф қилишда хийла ва сабрнинг ўрни қаттадир. Шунга кўра «Ақл қучдан устундир», деганлар. Масалан, бир одам қанчалик қучли бўлмасин, уруш майдонида 10-20 дан ортик одамни ҳалок қила олмайди, холбуки бир ақлли одам ўйлаб, тадбир билан иш қўрса, бутун бир ўлкани хароб этиб, қувватли бир қўшинни мағлубиятга учратиши мумкин. Масалан, ўт ағар бир дарахтнинг устига тушса, ердагидан кўра кўпроқ зарар етказмайди, холбуки сув суюқ бўлишига қарамай қатта дарахтларни илдизлари билан қўпориб қета қилади.

Дебдурларки, ағар икки қиши бир буюқ орзуга етишишни истасалар, бунга уларнинг мурувватда устун бўлгани муваффақ бўлади; ағар мурувватда тенг бўлсалар, иродаси қучли бўлгани етишади; иродада ҳам баробар бўлсалар, ёрдамчи ва дўстлари кўп бўлган ениб қикади; ағар бу жихатдан ҳам ораларида фарқ бўлмаса, у вақтда толеи қаланд бўлгани етишади...

Хикмат эгалари айтибдурлар: «Кимки галабадан боши айланмайдиган ва маглубиятдан рухи тушмайдиган аклли ва тажрибали шохлар билан олишса, ундай одам ўз бахтини кора килган ва ўзини ўзи ўлимга хукм килган бўлади. Шох пайдо бўлиши мумкин бўлган барча монеликларни назарга олиши, килинадиган ишни хар томонлама ўрганиши, каерда шошилиб, каерда сабрли бўлишни, каерда газабли, каерда мулойим бўлишни яхши билиши зарур. Жуда юмшоклик килиб хар нарсага йўл кўя бермасин, жуда хам шафкатсизлик килиб хар нарса учун жазо беравермасин...»

— Бойкушлар бизни назарга илмадилар, чунки бизни оз ва заиф деб ўйладилар. Карга деди:

— Дунёда тўрт нарса борки, уларнинг камини хам кўп хисоблайдилар. Биринчиси — олов бўлиб, унинг кўпи хам, ози хам куйдиради, кичиги жуда тез катта бўлиб кетади; иккинчиси — карз бўлиб, карзини сўраб келувчилардан етишадиган хижолат бир танга учун хам, минг тилла учун хам баробардир; учинчиси — беморликдирки, хар кандайи хам кишини беҳузур килиб, заифлаштиради; тўртинчиси — душман бўлиб, у канчалик хор ва заиф бўлмасин, ахир бир кун ўз ишини килади. Мен бир чумчукнинг бахайбат бир илондан интиком олганини эшитганман.

Шох сўради:

— Чумчук кандай интиком олибди? Карганинг навбатдаги хикояти Бир том бўғотида икки чумчук ин кўйган эдилар. Улар бир куни бола очдилар. Икковлари навбатма-навбат болаларини бокиш учун овкат излаб кетар эдилар. Кунлардан бир кун эри келганда она чумчук ўз ини олдида парвона бўлиб учиб юрарди, Эри, нима гап, деб сўради.

Аёли жавоб берди:

— Бир лахза гойиб бўлган эдим, келсам бир хайбатли илон келиб болаларимизга касд килаётган экан. Шунча ялиниб-ёлвордим, бўлмади, кейин тахдид килишга ўтдим: «Бу ишингдан кайт, йўк эса болаларимнинг отаси билан интиком камарини белимизга боглағаймиз», дедим, бўлмади. Фарёду зоримга карамай инимизга кириб, болаларимизни еди, хозир хам ўша ерда ётибди. Ота чумчукнинг газабни кайнаб, нима килишни билмай турган эди, шу вақт уй эгаси кора чирок ёкмокчи бўлиб пиликни ёндирди ва энди уни чирогдонга кўймокчи бўлганда, чумчук париллаб келиб, ёниб турган пиликни олиб кочди, уни бўғотдаги инга отди. Уй эгаси уйга ўт кетишидан кўркиб дархол томга чикди ва бўғотни очиб ўтни ўчиришга уринди. Илон оловдан кутулиш учун бўғот очилган томондан бошини чикарган эди, уй эгасининг кетмони келиб бошини чўрт узди. Бу киссадан хисса шуки, илон ўз душманини менсимагани ва заиф деб хисоблаганлиги учун халок бўлди.

Хозир мамлакатни мухофаза килиш ва душманни бартараф килишда бизнинг шох билан тенглашадигани йўқдир; ўз хизматида бўлганларга гамхўрлик килишда, уларни ўз истеъдод ва лаёкатларига караб давлат ишларига тайинлашда, лутф-карам кўрсатишда, раият учун гамхўрликда шохимизнинг мисли йўқдир.

Шох деди:

— Йўк, бу буюк ишларни рўёбга чиқариш, душманларни махв этиш — сенинг тўғри маслахатларинг, мислсиз садокатинг ва зўр махоратинг натижасидагина мумкин бўлди. Мен сенга илтифот килиб, унинг самарасини кўрдим. Кимки давлат ишларининг жиловини аклли вазирларга топширса, у хеч вақт пушаймон бўлмайди, хеч нарса унинг бахтини кўлидан тортиб ололмайди. Энг таажжубли нарса шуки, узок муддат душман орасида яшаб, уларнинг минг хил таъна ва тахкирларини эшитиб, азоб-укубатлар чекиб,

бирор марта хам огзингдан душманда шубха тугдириши мумкин бўлган сўз чиқармадинг. — Мен хар ишда, хар кандай вазиятда шохнинг берган панд-насихатларини кулогимда тутдим, билими, акли, зехни гоят юксак бўлганлиги учун хар ишда ундан ўрнак олишга тиришдим, унинг шохларга хос бўлган дастуриламал ва фармонларини ўзимга рахнамо деб билдим...

Шох деди:

— Сен хушмуомалалигинг, тўгрилигинг, ишбилармонлигинг жихатидан сарой мулозимларининг мумтози эдинг. Зўр ақл ва метин ирода билан шундай улуг ишнинг уддасидан чика олдинг. Унгача на еганимизда, на ётар-турарда халоватимиз бор эди, чунки ўзидан кучли душманга дуч келган одам то жонини ундан халос этмагунча кечани кундуздан, окни корадан ажрата олмай қолади. Хикмат эгалари айтибдурларки, касал одам то согаймагунича еган овкатынинг лаззатини билмайди, хаммол то огир юк остидан чикмагунича чукур нафас ололмайди, мазлум халк то душман йўкотилмагунича тинчимайди. Энди айтиб берчи, уларнинг подшоси кандай экан?

Карга деди:

— Унинг раёсатынинг асосини фукарога меҳрибонлик эмас, такаббурлик, худписандлик ташкил ётар эди. Бунинг устига у ақл ва заковатдан махрум, калтафахм, хеч кандай фазилатсиз бир махлук эди. Унинг ёнидагилар — вазир ва вакиллари хам айнан ўзига ўхшарди. Елгиз мени ўлдиришни маслахат кўрган бойкуш вазиргина улардан ажралиб турар эди.

Шох деди:

— У вазирнинг аклидан дарак берадиган хусусиятлари нимадан иборат экан? Карга деди:

— Унинг иккита хусусияти бор эди: бири — мени ўлдиришни маслахат бергани; иккинчиси — ўз шохининг рози эмаслигини билса хам ўз фикрини ундан яширмаганлиги. У назокат ва мулойимлик билан шохга каттик, лекин дилга ботмайдиган сўзлар айтар, шохнинг кандай улуг одам бўлиши кераклигини эсига солиб турар эди; шохнинг хатоларини кўрганда, гўзал ва ибратли сўзлар, масаллар билан хатосини тушунтиришга уринар эди, маъноли ривоятлар, кизик воқеалар, чиройли хикоялар айтиб бериб, шу оркали бошқаларнинг нуқсонларини шохга ибрат кўзгусида кўргазарди, токи шох унга караб ўзининг айбларини кўрсин ва унга газаб қилмасин. Бир куни шохга куйидаги гапни айтиб турганини эшитиб қолдим: «Хукмдорлик жуда шарафли иш ва улуг мавкедир. Бу бахтга муяссар бўлгач, унинг кадрили билмок ва уни кўриклаш учун мислсиз фидокорлик кўрсатмок керак. Энди мумкин қадар оз хато қилиб, кўп иш қилиш пайти келди. Мамлакатнинг осойишталиги ва давлатнинг мустахкамлиги етук ақл, мустахкам ирода, тўгри маслахат ва ўткир қилич билан барқарордир». Лекин унинг сўзига қулоқ солувчи ва маслахатини қабул қилувчи топилмади. На улар бу бойкушнинг ақл ва зақосидан фойдалана олдилар, на бунинг ўзи доно маслахатлари ва акли билан жонини балодан қутқара билди.

Душман заиф ва кучсиз бўлса хам унинг мақр ва хийласидан эҳтиёт бўлмок хақидаги хикоя шундан иборатдир. Карга заиф ва кучсиз бўлса-да, ўз акли ва зақовати билан ўзи кучли, лашқари бехисоб, лекин калтафахм душманни мана шундай йўл билан тор-мор қелтира олди. Бошқа йўл билан у ўз мақсадига эриша олмас эди. Маърифат соҳиблари бу хикоядан ибрат дарсини олишлари, керакли хулосалар чиқаришлари лозим ва билишлари керакки, душман заиф бўлса-да, унга эътиборсизлик, менсимаслик билан қараш ва хеч нарса қила олмайди деб ўйлаш хатодир...

Садокатли дўст ва лаёкатли кўмакчилар энг кимматли давлат ҳисобланади. Кимки буларнинг иккаласига етишса, ҳам дўстлар орасида сарафроз, ҳам душманларнинг макр-хийласидан эмин бўлади.